*2009 йил – Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йили*

**Мамлакатимизда қишлоқ хўжалик маҳсулотлари, жумладан, асал етиштириш учун қулай шароит ва имконият яратилган. Бу эса халқимиз дастурхонида мазкур неъматнинг янада мўл бўлишига хизмат қилмоқда.**

## АСАЛ ЕТИШТИРИШ КЎПАЙМОҚДА

Ҳозир юртимизда икки мингга яқин асаларичи фаолият юритмоқда. Асаларичиликни янада ривожлантириш, маҳсулот экспорти ҳажмини ошириш, соҳа мутахассисларини тайёрлаш ва малакасини оширишда Ўзбекистон Асаларичилар ассоциациясининг муҳим ўрни бор.

Ассоциация раҳбари Сарвар Исломхўжаевнинг айтишича, юртимизда етиштирилаётган асалнинг асосий қисми Навоий, Самарқанд, Жиззах, Тошкент, Фарғона, Наманган вилоятлари ҳиссасига тўғри келади.

Пойтахтимизда фаолият юритаётган 150 нафар асаларичининг ҳар бирида ўртача 150 асалари оиласи мавжуд. Ўтган йили Тошкент ва пойтахт вилоятида уч юз тоннадан ортиқ асал тайёрланди. Ушбу маҳсулот шаҳар бозорларида ташкил этилаётган анъанавий "Асал байрами" савдо-ярмаркалари орқали аҳолига арзон нархларда етказиб берилаётир.

**Сайёра ШОЕВА,**
**ЎзА мухбири.**

# МУҲАББАТНИНГ ДАЛАЛАРИ

... Одатдагидай янги кун режалари билан уйғонган Муҳаббат опа далага кетаётиб, бирров қишлоқ кўчаларини айланди.

– Ҳа, сингил, азонлаб йўл бўлсин? – Қирга мол ҳайдаб қайтаётган Очил бобо кўча бошида уни саволга тутди. – Яна бир ишни бошлаяпсанми дейман. – Муҳаббатнинг мақсадини англагандай, кўлмак оралаган тупроқли йўлга ишора қилиб мийиғида кулди. – Дарвоқе, Қишлоқ тараққиёти ва фаровонлиги йилида маҳалла йўлларини обод қилсак дегандинг-а?

– Шундай отахон, Маблағ бўлса бор. Йўл қурилиши ташкилоти билан шартнома тузсак, ўзимиздаги техникаларни жалб қилсак. қишлоқ аҳли ҳам қараб турмайди, бел боғлаб ҳашарга чиқади.

– Балли, қизим, балли, – алқади Очил бобо. Сўнг хаёлидан ўтказди: "Қайси фермер йўл қураман деб майдонга тушаяпти, ҳозир. Отасига раҳмат. Айтгандай, хўжалиги бой, ерларига ер қўшилиб, янада йириклашди".

Шу куни тушдан кейин хўжалик трактор-механизмлар паркида баҳорги ишларга тайёргарлик бўйича ўтказилган йиғилиш баҳона қишлоқ йўлларини ободонлаштириш, асфальтлаш масаласида ҳам кенгашиб олинди.

– Халқ катта куч, – деди қишлоқ кексаларидан бири Ортиғой Ҳожиева. Бир вақтлар кўпнинг ҳаракати билан каналлар қазилган, қўриқ ерлар очилган. Замонага шукр, ҳозир қўл меҳнатига ҳожат йўқ, ҳаммаси техника ёрдамида бажарилаяпти. Лекин, эл ҳашари мана шундай ишларга зап ярашади-да. Юртбошимиз таъкидлаганидек, юрт тараққиёти, эл фаровонлиги қишлоқларнинг ободлигидан, йўлларнинг равонлигидан бошланади.

Дарҳақиқат, Пискент туманидаги "Ризаева Муҳаббат" фермер хўжалиги раҳбари Муҳаббатхон Ризаеванинг ҳар бир тонгги ана шундай хайрли режалар билан бошланади. Деҳқон қизида, болалигидан тутгани кетмон, кезгани дала. Йиғим-терим мавсумида йўл бўйидаги дала шийпони нафақат хўжалик аъзоларининг, балки улар қаторида Муҳаббат опанинг ҳам иккинчи уйига айланади. Ахир деҳқоннинг, элнинг ризқрўзи шу далаларда.

Хўжаликда ўтган йили пахтадан ҳам, ғалладан ҳам мўл ҳосил олинди. Йил охирига келиб, экин майдонлари қарийб юз гектарга кенгайди. Озиқ-овқат маҳсулотлари экинлари учун роппа-роса 18 гектар майдон ажратилди. Ёғ олинадиган экинлар экиш масаласи ҳам режада бор.

– 40 гектар майдондаги ғалламизнинг ривожи яхши, – дейди фермер – гектаридан 50 центнердан ҳосил олишни кўзлаяпмиз. Ҳар йили гектаридан 30 центнердан уруғлик пахта етказиб бераяпмиз.

Мен шундан мамнунманки, Президентимизнинг ғамхўрлигида биз, фермерлар кўп имкониятлар ва имтиёзларга эга бўлаяпмиз. Бунга жавобан давлатимиз раҳбарининг аҳоли бандлиги ва даромадларини ошириш, қишлоқ жойларида гўшт, сут маҳсулотларини тайёрлашни йўлга қўйиш орқали ички истеъмол бозорини бойитишга қаратилган "Шахсий ёрдамчи, деҳқон ва фермер хўжаликларида чорва молларини кўпайтиришни рағбатлантиришни кучайтириш ҳамда чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқаришни кенгайтириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори ижросини таъминлашга ҳисса қўшиш мақсадида озуқа экинлари учун қўшимча ерлар ўзлаштиришни, шунингдек, сутни қайта ишлаш цехлари очишни ва шу йўсинда маҳаллий аҳолини иш билан таъминлашни ният қилганмиз.

Ҳаракат бор жойда самара бўлади. Ҳадемай, қишлоқ йўллари асфальтланса, вақти келиб мўъжазгина ишлаб чиқариш цехлари ташкил этилса, бошқа хизмат шахобчалари кўпайса, буларнинг ҳаммаси тараққиётга, фаровонликка кенг йўл очади.

– Ғўза чопиғида қатнашганимда, буғдойга чилла сувини тараганимда ҳали мактабда ўқирдим, – хотирлайди фермер. – Отам деҳқон бўлгани учунми, улғайгач, шу касбнинг этагидан тутдим. Оиладаги беш фарзанддан уч нафари фермер хўжалигимиз аъзоси. Тўнғич неварам Жаҳонгир ёш бўлишига қарамай, трактор бошқариш, экинларга ишлов беришнинг ҳаддини олган.

Деҳқончилик илми осон эмас, ўзига яраша билим ва маҳорат талаб этади. Хўжалик юритиш, маҳсулот етиштириш учун етарли тушунчага, тажрибага эга бўлиши лозим.

Янги йилдан хўжаликнинг моддий-техника базаси янада мустаҳкамланди. Иқтисодий фойда ҳисобига янги "Беларусь" ҳамда "Т-28" ҳайдов трактори сотиб олинди. Фермернинг "Ўзэкспомарказ" кўргазмасида иштирок этиши ҳам хўжаликка янги трактор ва техникаларни лизингга олиш имкониятини яратди. Унинг тасарруфидаги трактор ва механизмлар хизматидан бугун бошқа фермер хўжаликлари ҳам фойдаланишади. Бу ҳам қўшимча даромад дегани.

**Мунаввара ИСОҚУЛОВА,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**



**СУРАТДА:** Муҳаббат Ризаева янги қишлоқ хўжалик техникаларининг имконият ва афзалликларини реклама қилувчи журнални кўздан кечирмоқда.

**Муаллиф олган сурат.**

## КРЕДИТЛАР САЛМОҒИ КАТТА

**Бугунги кунда мамлакатимизда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш орқали ички истеъмол бозорини сифатли маҳсулотлар билан таъминлаш устувор вазифалардан бири ҳисобланади.**

Шу мақсадда уларни етарли миқдорда кредит маблағлари билан таъминлаш борасида банклар зиммасига катта масъулият юкланган. Олмалиқ шаҳар Миллий банки томонидан мазкур тизимни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижасида ўтган йилда банк томонидан ҳудуддаги савдо тармоғини янада кенгайтириш учун 17 миллион 654 минг сўм, хизмат кўрсатиш тизимини ривожлантиришга 1 миллиард 62 миллион 700 сўм, чорвачилик ҳамда бошқа бизнес соҳалари фаолиятини жонлантиришга эса 270 миллион сўмлик кредит маблағлари ажратилди. Бунинг натижасида юздан зиёд янги иш ўринлари яратилди.

– Албатта бу билан чекланиб қолаётганимиз йўқ, – дейди биз билан суҳбатда миллий банкнинг Олмалиқ шаҳар бошқаруви раиси Абдухалил Тўрақулов. – Аҳолининг турмуш даражасини янада яхшилаш мақсадида 272 миллион 350 минг сўмлик истеъмол кредитлари ажратилди. Пировардида ўндан ортиқ ёш оилалар уй билан таъминланиш билан бир қаторда хонадонларни таъмирлаш ва янги уй жиҳозларини харид қилиш имкониятига эга бўлишди.

Айни пайтда Миллий банк томонидан 2009 йил учун ҳам аниқ дастур ишлаб чиқилган бўлиб, унда кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни янада ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилган.

**Алишер РАҲМАТОВ.**

## ДАВОЛАНИШ УЧУН ГЕРМАНИЯГА

**Тошкент Халқаро аэропотидан бир гуруҳ болалар даволаниш учун Германияга жўнатилди.**

Ўзбекистон Соғлиқни сақлаш вазирлиги, "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармаси ҳамда Германиянинг "Фриденсдорф Интернейшнл" халқаро ташкилоти ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур мурувват кам таъминланган оилалардаги нуқсонли болаларнинг Германиядаги клиникаларда даволаниб қайтишини таъминламоқда.

Даволанишга жўнатилган бемор ва ногирон болалар "Соғлом авлод учун" халқаро хайрия жамғармасининг Тиббий ижтимоий марказида ўтказилган тиббий кўрик асосида танланган. Уларнинг икки нафари вилоятимиздан.

**Сурайё МЕЛИҚУЛОВА,**
**"Туркистон-пресс".**

*Яна тўловлар ҳақида*

# «ИСТЕЪМОЛЧИ ИНСОФСИЗ БЎЛСА ҚИЙИН ЭКАН»

## дейди "Тошкентгазтаъминот" унитар корхонасининг "Янгийўлгаз" филиали раҳбари Нурали Мирвалиев

Бу мавзу босма оммавий ахборот воситалари саҳифаларини, телевидение экрани ва радиотўлқинларини ҳали-бери тарк этмаса керак. Нега деганда, табиий газдан фойдаланувчиларнинг қарзлари шу даражада кўпайиб кетганки, уни тўлиқ ундириб олиш ва тизимдаги тартибни қайта жой-жойига қўйиш учун анчагина вақт талаб этилади.

– Аввало истеъмолчиларнинг ўзлари интизомли, инсофли бўлишлари керак, – дейди "Янгийўлгаз" филиали директори Нурали Мирвалиев. – Биз 44 минг абонентни газ билан таъминлаймиз. Тасаввур қилинг, уйма-уй юриб, газ ҳақини вақтида ва тўла ундириб боришнинг умуман иложи йўқ. Қолаверса, бу газ таъминоти идораларининг иши эмас. Тўғри, биз тўловлар вақтида амалга оширилишини назорат қилиб боришимиз керак. Лекин, асосий вазифамиз – истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш. Истеъмолчиларнинг бурчлари эса, фойдаланилган газ ҳақини вақтида тегишли жойларга бориб тўлаш. Масалан, белгиланган тартиб-қоидага мувофиқ жисмоний шахслар, яъни хонадон эгалари ҳар ойнинг ўнинчи санасигача, юридик шахслар, яъни корхона, ташкилот, муассаса, фермер ва тадбиркорлар ой тугагач, ўттиз кун ичида тўлашлари лозим.

**– Лекин, тартиб шундай деб томошабин бўлиб туриш билан иш ўнгланиб қолмайди, албатта.**

– Тўғри, биз ҳам қўл қовуштириб ўтирганимиз йўқ. Филиалимиз бўйича 16 та гуруҳ ташкил этиб, уларга 200 ходимни бириктириб қўйдик. Улар маҳалламамаҳалла юриб, табиий газдан фойдаланиш тартибқоидалари ва тўлов муддатлари тўғрисида ҳам тушунтириш, ҳам огоҳлантириш ишлари олиб бормоқдалар. Бирйўла узоқ муддат газ ҳақини тўламай келаётганларнинг қарзлари ҳам ундирилмоқда. Бу ҳаракатлар яхши самара бераяпти. Масалан, 2009 йил январь ойи бўйича тўловлар тўла бажарилди.

**– Ашаддий қарздорларга нисбатан лозим даражада қонуний жазо чоралари ҳам кўрилаяптими?**

– Қарздорлик ҳаддан зиёд ошиб кетган ҳозирги вазиятда бусиз мумкин эмас. Фақат Янгийўл шаҳрининг ўзида кўп ойлар давомида табиий газ ҳақини тўламай келаётган хонадонлар 2400 га етганлиги аниқланди. Уларга нисбатан жами 528 миллион сўмдан зиёд даъво ҳужжатлари тайёрланиб, Зангиота туманлараро фуқаролик судига топширилди.

Энди юридик шахсларга келсак, филиалимиз 1200 та корхона ва ташкилотга газ етказиб беради. Ашаддий қарздорлар ҳақида гапиришдан аввал, фойдаланилган газ ҳақини ойма-ой тўлаб бораётган интизомли корхоналардан айримларини кўрсатиб ўтмоқчи эдим, токи бу баъзи раҳбарларга ўрнак бўлсин. "Биокимё" очиқ акциядорлик жамияти, "Тошвиноароқ" ишлаб чиқариш корхонаси, "Тоҳиржон", "Бинокор" ғишт ишлаб чиқариш корхоналари газ ҳақини вақтида тўлаб боришни қатъий одат қилишган.

Қанийди, ҳамма раҳбарлар ҳам коммунал тўловлар масаласига шундай масъулият билан ёндашсалар. Афсуски, гуруч курмаксиз бўлмайди. Масалан, 5208 фуқаро ўз эҳтиёжлари учун фойдаланган қарийб 4 миллиард сўмлик табиий газ ҳақини узоқ вақтдан бери тўламай келаяпти. Улар устидан ҳам керакли ҳужжатларни тайёрлаб, суд ҳукмига ҳавола қилдик. Умуман, ашаддий қарздорлар зиммасидаги 4 миллиард 300 миллион сўм юзасидан ҳужжатлар фуқаролик судига ажрим чиқариш учун киритилди.

**– Кейинги пайтда табиий газдан ўзбошимчалик билан фойдаланаётган, аниқ қилиб айтганда, тармоққа хуфиёна уланиб олган истеъмолчилар ҳам борлиги ҳақида кўп гапирилаяпти.**

– Афсуски, шундайлар ҳам йўқ эмас. Истеъмолчиларнинг масъулиятсизлиги, лоқайдлиги сабабли кўпайиб бораётган қарздорликни камайтириш учун тинимсиз курашаётган пайтимизда бундай ўғринча ишлар ташвишимизга ташвиш қўшаяпти. Ҳудудимизда 38 та юридик шахс ва 314 та хонадон газ тармоғига яширинча уланиб олганлиги аниқланди. Улардан 488 миллион сўмдан зиёд жарима ундириб олинди.

Биз вазиятдан келиб чиқиб тўловлар масаласига



оид мавжуд камчилик ва нуқсонларни қонуний йўл билан ҳал этишга ҳаракат қилаяпмиз. Бунда Давлатимиз раҳбарининг "Коммунал хизматлар тарифларининг асоссиз равишда ошиб кетмаслиги ҳамда улар учун ўз вақтида ва тўлиқ ҳисоб-китоб қилиниши учун истеъмолчиларнинг масъулиятини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорида келтирилган кўрсатмалар асосида иш юритаяпмиз.

**– Суҳбатимиз бошида "бизнинг асосий вазифамиз – истеъмолчиларни табиий газ билан узлуксиз таъминлаш" деган эдингиз. Бу ишни қай даражада уддалаяпсизлар?**

– Филиалимиз хизмат кўрсатадиган ҳудуддаги хонадонларни тўлиқ газлаштиришга эришиш – бош мақсадимиз. Абдулла Ортиқов номли қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги 2000 та хонадонда қишда газ босими пасайиб кетарди. Ўтган йили шу хонадонларга 1,2 километр узунликда ўрта босимдаги газ қувурлари тортилиб, муаммо ҳал этилди.

Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини Гулбоғ маҳалласидаги 300 та хонадонга қиш кунларида газ яхши етиб бормай, аҳоли қийналар эди. 4,5 километр узунликда юз диаметрли қувурлар тортилгач, маҳаллада бу йил қишда газ таъминоти қониқарли бўлди.

Хулоса қилиб айтганда, истеъмолчилар фойдаланилган газ ҳақини ҳар ойда узлуксиз тўлаб боришса, тизимимиз бир маромда ишлайди, газлаштириш масаласида ҳам, газ таъминотида ҳам ҳеч қандай муаммо бўлмайди.

**"Тошкент ҳақиқати" мухбири Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ суҳбатлашди.**

*Бу ҳақда вилоят сессиясида гапирилган эди*

# СОНДА БОРУ САНОҚДА ЙЎҚ КАСАНАЧИЛАР

Аммо, бу борадаги ишлар вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида ҳам бирдек яхши йўлга қўйилган, деб бўлмайди.

Оққўрғон туманида 45 минг нафарга яқин меҳнатга лаёқатли аҳоли истиқомат қилади. Мутахассисларнинг фикрича, туманда саноат ёки қурилиш корхоналари барпо этиш, пластмасса ва полиэтилен маҳсулотлар ишлаб чиқариш, махсус иш кийимларини тикиш учун етарли шароит мавжуд.

Туман бандликка кўмаклашиш маркази режасига мувофиқ ўтган йили касаначилик асосида 335 иш ўрни очиш кўзда тутилган эди. Ҳужжатлар билан танишганда, бу кўрсаткич атиги 200 дан ошганини кўрамиз. Бунинг устига яратилган иш ўринларининг аксарияти қоғозда қолиб кетган.

Шу ўринда бир мисол. Тумандаги "Алимкент" пахта тозалаш заводида 2008 йилда касаначилик асосида 50 иш ўрни яратилган. Икки томонлама шартнома имзоланган, ишга қабул қилиш тўғрисида буйруқ ҳам чиқарилган. Лекин, ўтган бир йил мобайнида касаначиларга ҳеч қандай буюртма ёки иш таклиф қилинмаган. Ваҳоланки, шартномада иш берувчи касаначига хом ашё етказиб бериш ва буюртма асосида тайёрлаб берилган маҳсулот ҳақини ўз вақтида тўлаш мажбуриятини олган.

– Корхона маъмурияти ўз имкониятларини ҳисобга олмасдан, шошма-шошарлик билан иш тутган, – дейди туман бандликка кўмаклашиш маркази раҳбари Одил Донаев. – Қолаверса, масаланинг моҳияти ҳам чуқур англаб етилмаган. Қоғозда барча ҳужжатлар рисоладагидек, амалда эса...

– 2008 йил 20 январь куни корхона раҳбарининг №5-а буйруғи асосида "Алимкент" пахта тозалаш заводига касаначилик асосида ишга қабул қилинганимда хурсанд бўлган эдим, – дейди Алимкент қўрғонининг Беруний кўчасидаги 32-уйда яшовчи Саодат Раҳмонова. – Шартномага мувофиқ корхона иш кийимлари, этак, қўлқоплар тикишим учун хом ашё билан таъминлаши, мен буюртма асосида ўз тикув машинамда маҳсулот тайёрлаб беришим керак эди. Афсуски, қувончим узоққа чўзилмади. Барчаси қуруқ гап бўлиб чиқди.

– Деярли ҳар куни матбуот, телевидение орқали касаначиликнинг афзалликлари ҳақида сўз юритилади. Очиғи, ҳам оиласини, ҳам корхона ишини эплаётган аёлларга ҳавасим келарди, – дейди Алимкент қўрғони Мустақиллик кўчасида яшовчи Гулнора Абдураҳмонова. – Пахта тозалаш заводига касаначи бўлиб ишга кирганимда роса хурсанд бўлгандим. Меҳнат шартномасига шунчаки расмиятчилик учун имзо чекканимни қаёқдан билибман...

Бундай ҳолатнинг асл сабабига ойдинлик киритиш мақсадида Оққўрғон тумани ҳокимининг ижтимоий-иқтисодий масалалар бўйича ўринбосари М. Сайдуллаев билан учрашганимизда, "Касаначилик билан туман бандликка кўмаклашиш маркази шуғулланади...", қабилида жавоб олдик.

Айни пайтда туман халқ таълими бўлими, "Сувоқава" ташкилоти, "Зармаҳал" кичик корхонаси, газлаштириш бўлимида касаначилик асосида иш ўринлари ташкил этилган. Бироқ бу борада туманда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар кўп.

Касаначилик ҳар тарафлама қулай, фойдали меҳнат тури эканлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турибди. Бу ҳақдаги фикрларни шу туманнинг ўзида фаолият юритаётган касаначилардан ҳам эшитиш мумкин.

– Бу меҳнат тури менга жуда маъқул бўлди, – дейди "Зармаҳал" кичик корхонаси касаначиси Дилобар Мажидова. – Бола тарбияси, уй ишларидан ортиб анчадан бери ишламаётган эдим. Юртбошимиз раҳнамолигида яратиб берилаётган бундай имкониятлардан жуда хурсандмиз. Ҳозир уйда турли кийим-кечаклар тикяпмиз. Ҳар ойда иш ҳақимизни олиб турибмиз. Меҳнат дафтарчаси ҳам очилган бўлиб, корхонанинг ишчилари қатори барча имтиёзлардан фойдаланмоқдамиз.

Шундай экан, уй-рўзғор ишларидан ортиб, қўшимча меҳнат билан шуғулланиш, даромад орттириш истагида бўлган хотин-қизлар иш билан таъминланса, касаначилик имкониятларидан самарали фойдаланилса, кўплаб муаммолар ўз ечимини топиши шубҳасиз.

**Лутфулла СУВОНОВ,**
**ЎзА мухбири.**

(Давоми. Боши 1-бетда).

*Таажжуб*

# АНДИШАСИЗЛИК

– Туман марказлари ва шаҳар маҳалла фуқаролар йиғинларида 190 меҳнат инспектори фаолият юритмоқда. Ўтган йили фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари раис ва котиблари, йиғинларга бириктирилган меҳнат инспекторларини амалдаги қонунлар, белгиланган тартиб-қоидалар билан таништириб, малакасини ошириш мақсадида 364 марта ўқув-семинар ташкил этилди. Лекин шунга қарамай, танлов асосида ўтказилган текширишлар натижасида 23,1 миллион сўм моддий ёрдам ва нафақа пуллари нотўғри тайинланиб, тўланганлиги аниқланди.

Бу тартиббузилишлар келтирган зарар олдинги йилнинг шу даврига нисбатан Бекобод шаҳрида 75, Олмалиқда 48, Паркент туманида 65, Қибрай туманида 12 ва Ўртачирчиқ туманида 22 фоиз ошган. Айрим ишчи гуруҳлари фаолиятидаги юзакичилик, масалага кўр-кўрона ёндашиш бу ҳолатларнинг жиддий тус олишига сабаб бўлмоқда. Чунки, улар йил давомида 214 та назорат-текшириш ўтказиб, 335 ҳолатда атиги 4,3 миллион сўм зарар аниқланган бўлса, молия ва прокуратура идораларининг 167 та текшируви натижасида 247 та тартиб бузилиш ҳолатлари ойдинлаштирилиб, давлат бюджетига 18,6 миллион сўм моддий зарар етказилганлиги маълум бўлди. Бундай катта тафовут махсус ишчи гуруҳларининг фаолиятсизлиги, аниқланган хато ва камчиликларни хаспўшлаш, улар қайта такрорланмаслиги учун кескин чоралар кўрилмаганлиги оқибатидир.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Шунингдек, Олмалиқ, Бекобод шаҳарлари, Оққўрғон, Янгийўл, Юқоричирчиқ туманларида махсус ишчи гуруҳлари етарли назорат ўрнатмаганлиги оқибатида фуқаролардан аризаларни қабул қилиш, комиссия йиғинларини ўтказиш, тўлов ҳужжатларини тайёрлаш, ҳисобот юритиш, нафақа ва моддий ёрдам пулларини тўлашда ўзибўларчиликка йўл қўйилган. Ўзбекистон Республикаси Бош прокуратурасининг 2008 йил 30 октябрдаги тақдимномасида вилоят бўйича 699 та ҳолатда аризалар фуқаролар йиғинларидаги нафақа тайинлаш комиссиялари, бандликка кўмаклашувчи марказ нозирлари айби билан асоссиз рад этилган. Ёки нафақа ва моддий ёрдам пуллари ноқонуний тайинланганлиги қайд этилган. Юқоридаги ҳолатлар, айниқса, Чирчиқ шаҳри, Қибрай, Бўстонлиқ, Ўртачирчиқ туманларида кўпроқ учрайди.

Бюджет маблағларини ҳужжатларни сохталаштириш йўли билан талон-торож қилиш ҳоллари ҳам оз эмас. Шу билан бирга бандликка кўмаклашувчи марказларнинг айрим нопок нозирлари таъмагирлик ҳамда порахўрликка йўл қўйишган. Жумладан, Қибрай тумани бандликка кўмаклашувчи маркази нозири Г. Ускенова фуқаро Н. Бобохоновага маълумотнома бериш эвазига 45 минг сўм пулни пора тариқасида олаётган вақтда қўлга тушган.

Маълумки, ўзини ўзи бошқариш идораларида тузилган махсус комиссия моддий ёрдам ва нафақалар тайинлаб, тўлаш учун йўналтирилган давлат маблағларини ҳақиқий эҳтиёжманд оилаларга ижтимоий адолат ва ошкоралик тамойиллари асосида етказиши керак. Шуни таъкидлаш лозимки, нафақа ёки моддий ёрдам пули ариза билан мурожаат этган фуқароларнинг турмуш шароитини ўрганувчи, моддий ёрдам ва нафақалар тайинлаш масалаларини ҳал қилувчи ваколатли комиссиялар аъзоларининг хулосаларига асосан тўланиши меъёрий ҳужжатларда белгиланган. Баъзи шаҳар ва туманлардаги ўзини ўзи бошқариш идораларида бундай комиссиялар умуман тузилмаган. Гоҳи ҳолларда комиссия таркиби тайинланган бўлса ҳам улар йиғилишларда иштирок этмайди, лекин нафақа тайинлаш ҳақида хулосалар чиқараверади. Бундан ташқари, халқ банкига тақдим этилган тўлов варақаларининг имзо қўйилган бир нусхаси ўзини ўзи бошқариш идораларига қайтарилмай, ойлик ҳисоботлар ҳаққонийлиги текширилмай, имзо қўйиб, тасдиқлаб юбораверилади.

Хусусан, Юқоричирчиқ туманидаги Саксонота қишлоқ фуқаролар йиғинига қарашли Марказий маҳалласида, Чиноз туманидаги Яллама, Оққўрғон туманидаги Тоштўғон қишлоғида, Тинчлик, Уста Нормат номли маҳалла фуқаролар йиғинларида аризаларни қабул қилиш ва рўйхатга олиш, нафақа мезонларини ҳисоблаш ҳамда комиссия йиғинларини ўтказишда комиссия аъзоларининг белгиланган таркиби қатнашиши таъминланмай раис ва маҳалла котиби пул тайинлаш масалаларини ноқонуний ҳал этаверади.

Янгиланиб бораётган жамиятимиз фуқароларни ўзини ўзи бошқариш идораларининг эртанги кунига катта ишонч билдириб, кенг имкониятлар яратаётган бир шароитда айрим маҳаллий идора вакилларининг бунга жавобан муносабатлари нахотки, шу даражада бўлса? Айрим шахсларнинг ўз манфаатларини ҳар нарсадан устун қўйиши, ўз майлларини идора эта билмасликлари кишини таажжубга солади...

Халқ депутатлари вилоят кенгашининг навбатдан ташқари сессиясида бошқарув ва назорат ишларининг ўз ҳолига ташлаб қўйилгани, ҳатто, қонунга хилоф ишларга йўл қўйилаётганлиги кескин танқид қилинган эди. Бу иллатлар, айрим соҳаларда бўлганидек, бошқарувнинг қуйи идоралари фаолиятида ҳам турли жиноятларнинг юзага келишига сабаб бўлмоқда.

Оқсоқол давлат билан жамиятни боғловчи асосий кучдир. У нафақат жамоатчилик ишини ташкиллаштиришда, балки ислоҳотларни амалга оширишда етакчи ҳуқуқий шахс. Юқоридаги каби аянчли ҳолатлар айрим оқсоқоллар ва улар атрофидагиларнинг маънавий қашшоқлиги, ўзибўларчилиги, юзакичилиги оқибатида содир бўлаётгани ҳеч кимга сир эмас. Кўза кунида синади, деганларидек, бундай қинғир ишлар фош этилиб, жиноятга яраша жазо чоралари кўрилиши шубҳасиздир.

**Ҳасанбой САЪДУЛЛАЕВ,**
**"Тошкент ҳақиқати" мухбири.**

# «ОЗОД ШАРАФИДДИНОВ МАКТАБИ»

**Мирзо Улуғбек номидаги Ўзбекистон Миллий университетида Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси билан ҳамкорликда "Озод Шарафиддинов мактаби" адабий-танқидий, илмий-ижодий тўгараги ташкил этилди.**

Мазкур тўгаракнинг мақсад ва вазифалари ҳақида унинг раҳбари, филология фанлари доктори, профессор Нурбой ЖАББОРОВ ЎзА мухбирига қуйидагиларни сўзлаб берди:



– Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда миллий адабиётимизни янада ривожлантириш, унинг равнақига катта ҳисса қўшган ёзувчи ва шоирлар, олимлар хотирасини эъзозлаш, адабий-маънавий меросини навқирон авлодга чуқур ўргатишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Ажойиб инсон, заҳматкаш олим Озод Шарафиддинов таваллудининг 80 йиллиги кенг нишонланаётгани бунинг яна бир далилидир.

Атоқли олимнинг серқирра ижодини чуқур ўрганиш, маҳорат сирларидан сабоқ олиш ёш авлоднинг адабиётшуносликка оид билимини бойитишда, маънавий камолотида муҳим ўрин тутади. "Озод Шарафиддинов мактаби" адабий-танқидий, илмий-ижодий тўгараги ҳам ана шу эзгу мақсадга хизмат қилади.

Доимий фаолият кўрсатувчи бу тўгаракдан кўзланган асосий мақсад ёшларда адабий-эстетик, илмий-ижодий тафаккурни шакллантириш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини юксалтириш, ёш тадқиқотчиларни адабиётшунослик ва адабий танқидга оид илмий жараёнлар билан атрофлича таништириш ҳамда уларга яқиндан кўмаклашишдан иборатдир. Тўгаракка мамлакатимиздаги бошқа олий ўқув юртлари талабалари ҳам жалб этилган. Ўтказилаётган машғулотларда таниқли адабиётшунос олимлар, ёзувчи ва шоирлар Озод Шарафиддиновнинг адабий-илмий мероси, олим яратган ўзига хос мактаб анъаналаридан ёшларни баҳраманд этмоқда. Тўгарак ишининг самарали кечишида унинг зарур ўқув, илмий, бадиий адабиётлар, олимнинг турли йилларда яратган асарлари, илмий тадқиқотларидан самарали фойдаланилмоқда.

Ўқув машғулотлари билан биргаликда Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси ҳамкорлигида ёзувчи ва шоирлар, олимнинг яқинлари иштирокида илмий-ижодий анжуманлар, учрашувлар, мулоқотлар, давра суҳбатларининг мунтазам ташкил этилиши ёшларнинг миллий адабиётимиз, адабий танқидчилик, таржимонликка оид пухта билимга эга бўлиши, заҳматкаш олимнинг ижодий меросини кенг ўрганишида муҳим аҳамият касб этмоқда.

**ЎзА мухбири Назокат УСМОНОВА ёзиб олди.**

## Туйғу

# БИР УМРГА ЙЎЛДОШ ДЎСТЛАРИМ

Ҳар бир кишининг дам олиб, ҳордиқ чиқарадиган чоғларида кўнгил ёзадиган машғулоти бўлади: кимдир шахмат ўйнайди, бошқаси видео кўради, яна биров китоб ўқийди ёки саъва, бедана, тўти ва бошқа сайроқи қушлар атрофида парвона бўлади. Мен эса деҳқончилик, чорвачилик билан боғлиқ юмушлардан чарчаган пайтларимда альбомлардаги фотосуратлар, видеодискларни кўришни хуш кўраман. Мактабда, институтда бирга ўқиган дўстларим, узоқ йиллар давомида ҳамкасб бўлган қадрдонларим билан хаёлан ҳамсуҳбат бўлиб, илиқ хотираларга бериламан.

Бисотимдаги видео-дисклар орасида иккитаси айниқса, ардоқли. Уларнинг биринчисига олтмиш олти йил илгари ўрта мактабга илк бор қадам босиб, бирга ўқиган синфдошларимнинг сиймолари муҳрланган. Бу видеофильм мактабни тугатганлигимизнинг эллик йиллиги санасида тасмага туширилган бўлиб, Ўзбекистон телерадиокомпаниясининг "Ёшлар" телеканали орқали намойиш этилган ва кўпчиликка манзур бўлганди. Унда Жаҳонгир Пирмуҳамедов, Шавкат Собиров, Шукур Мирзаев, Зокир ҳожи Холматов, Маҳкам Қўчқоров, Анвар Дўстмуҳамедов, Турғун Муҳиддинов, Зиёвиддин Аброров, Эркин Обидов, Аҳмаджон Назаров сингари синфдошларнинг дил сўзлари, узоқ йилларга бориб тақалувчи дўстлик ришталари ўз ифодасини топган.

Бу қадрдонларимнинг ажойиб фазилатлари ҳақида ўйлар эканман, беихтиёр оламдан ўтган синфдошлар Элбек Мусаев, Абдукарим Набихўжаев, Зоҳид Одилов, Аброр Қосимов, Шариф Тошхўжаев, Жўравой Ғиёсов, Абдурауф Азимов ва бошқаларни ёдга оламан. Уларнинг эл-юрт ишига камарбаста бўлиб қилган саъй-ҳаракатларини кўз олдимдан ўтказиб, Яратгандан охиратлари обод бўлишини тилайман.

Иккинчи видео-лавҳада Ўрта Осиё Давлат университети, ҳозирги Ўзбекистон Миллий университетига эллик олти йил илгари ўқишга кириб, устозлардан беш йил биргаликда таълим-тарбия олган курсдош дўстларимнинг ҳаяжонли дақиқалари акс эттирилган. Улар билан олийгоҳни тугатиб, учирма бўлганимизга ярим асрдан ошди. Курсдошлар орасидан беш фан доктори, етти профессор, ўттиз нафардан зиёд фан номзодлари етишиб чиққанлиги, олий таълим, маориф, илм соҳасида ҳурмат-эътибор қозонишгани ҳам ҳар биримизни фахрлантиради. Низомий номли Тошкент Давлат педагогика университети профессори Қурбон Мўминов, шу олийгоҳ доценти Аҳмад Холмуродов, Тошкент ирригация ва мелиорация институти доценти Маъмура Тўлаганова, Тошкент Тиббиёт академиясида ёшларга таълим-тарбия бераётган Наримон Шокиров ва бошқа курсдошларимиз меҳнат фаолиятларини муваффақиятли давом эттириб, Истиқлол берган саодатни тарғиб қилишга ҳисса қўшаётганлари қувончлидир.

Улуғ шоир Рудакий "Жаҳоннинг шодлиги йиғилса бутун, дўстлар дийдоридан бўлолмас устун", деб бежиз ёзмаган. Институтни тугатганлигимизнинг эллик йиллиги учрашуви катта бир шодиёнага айланиб кетди. У Тошкент тумани "Охунбобоев агро-файз" агрофирмаси ҳудудидаги Қизғалдоқ қишлоғида ишга туширилган истироҳат боғи мажмуасида ташкил этилди. Ушбу масканнинг кўрку таровати дийдорлашувга янада кўтаринкилик бахш этди. Учрашувга бизга таълим-тарбия берган устозлар, оламдан ўтган мураббийларимизнинг фарзандлари, курсдошларимизнинг оила аъзолари ҳам ташриф буюришгани нур устига аъло нур бўлди. Энг аввало, вафот этган устозлар ва марҳум курсдошларимиз – Тельман Абдушукуров, Рустам Акбаров, Эгамберди Валижонов, Мираҳмад Абдуллаев, Норбой Бекнозов, Ўлмас Усмонов, Акмал Акромов, Ҳамидхон Аҳмедов, Раъно Бекмуҳамедова, Бобожон Жабборов, Шимрбек Куримбоев ва бошқалар ёдга олинди.



Ёши тўксоннинг нариберисида бўлган устозларимиз Эргаш Султонов, Ширинбек Ўразимбетов, Қодир Эгамназаровларнинг даврамизга файз киритишганидан бошимиз осмонга етди. Манноб Султонов, Забиҳа Акромова, Насиба Тошхўжаева, Ойниса Мираҳмедова, Нишон Абдуазимов, Жакбар Абдуқосимов, Музаффар Жамолов ва бошқалар тўкин дастурхон атрофида эллик йил аввалги талабалик даврларини бир-бир эсга олиб қурган ширин суҳбатлари даврамизга шукуҳ бағишлади.

Зеро, инсон умрининг энг тотли онлари – ҳақиқий дўстлар даврасида кечган дамларидир. Ўзаро қўллаб-қувватлаш, дўстларга меҳрибонлик кўрсатиш, улар кўнглини топа билиш, қадрлаш – энг улуғ инсоний фазилатлардандир.

Улуғ донишмандларнинг ўгитлари ёшларни қандай одамлар билан дўст тутинишга, унинг шартлари, қонун ва қоидаларига амал қилишга, қолаверса, дўст билан душманнинг фарқига бора билишга ўргатади. Чин дўстлар ўзаро очиқ ва аччиқ ҳақиқатни гапирганларида юракларига оғир олмайдилар. Қаерда яшашларидан қатъи назар, бир-бирларини унутмайдилар, бойлик ва камбағалликда ҳам, юқори лавозимга кўтарилганда ёки амал курсисидан тушганда ҳам ўзгаришмайди. Бир-бирларига ишлари тушганда астойдил ёрдам қўлини чўзиб, қилган яхшиликларини миннат қилмайдилар. Барча ишларда ҳамфикр, ҳамнафас бўлиб, бир-бирларидан ҳеч нарсани яширмайдилар ва хиёнат қилмайдилар ҳамда ўз аҳволларини сир тутиб, ёлғон гапирмайдилар. Ҳаётда инсон икки кишидан ўз дардини яширмайди: бири – табиб, иккинчиси – дўсти.

Шарқ мутафаккири Муиниддин Жувайний таъкидлаганидек:

*Дўсти бор кишилар*
*эмасдур ғариб,*
*Уйидан юз фаранг*
*узоқ бўлса ҳам.*
*Ўз шаҳрида дўстсиз*
*бўлганлар ғариб,*
*Бошидан аримас*
*бир зумгина ғам.*

Дарҳақиқат, ҳаётда ҳеч нарса дўстликнинг ўрнини боса олмайди. Машойихлар ҳар ким ҳам садоқатли дўст бўлавермаслигини таъкидлаб, бу туйғуни тиниқ кўзгуга ва мусаффо сувга қиёс этишганлиги бежиз эмас. Ҳар кимга ҳам ана шундай чин дўстлар бир умрга йўлдош бўлишини тилайман.

**Эркин ҒУЛОМОВ, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган ёшлар мураббийи.**

СУРАТДА: дўстлар билан дийдорлашув лаҳзаси.

**Нўъмон МУҲАММАДЖОНОВ олган сурат.**

# ШУНДАН КЕЙИН

## ТАШЛАНДИҚ "БУГАТТИ" БАҲОСИ

**Буюк Британияда ўтказилган кимошди савдосида 1937 йилда ишлаб чиқарилган "Бугатти" русумли автомобиль салкам 3,5 миллион еврога сотилди.**

"Бонэмс" савдо уйи вакилларининг сўзларига кўра, жаҳон автомобилсозлик саноати маҳсулотларининг ноёб нусхаси ҳисобланадиган ушбу машина узоқ вақт давомида ташландиқ гаражда ётган.

## БЕҲУШ ЁТГАН АЁЛ ТАҚДИРИ

**Италиядаги шифохоналарнинг бирида 17 йил давомида беҳуш ётган аёл вафот этди.**

38 ёшли Элуана Энгларонинг ўлимига унинг тўрт кун аввал сунъий озиқланиш тизимидан ажратилгани сабаб бўлган. Бундай қарор унинг отаси талабига биноан Италия Олий суди томонидан қабул қилинган.

Маҳаллий матбуотнинг ёзишича, 21 ёшида автомобиль ҳалокатига учраган Элуана қолган умрини касалхонада ўтказишга мажбур бўлган. Айрим ҳуқуқшунослар суд қарорига қарши чиқиб, агар сунъий озиқланиш тизими узиб қўйилмаганида, Элуана яшаб кетиши мумкин эди, деб таъкидламоқда.

## TOSHIBAнинг ҚАРОРИ

**Япониянинг "Toshiba" корпорацияси электромобиль ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш ниятида. Ушбу лойиҳа Германиянинг "Фольксваген" компанияси билан ҳамкорликда амалга оширилади.**

"Toshiba" вакилларининг сўзларига кўра, янги турдаги машина ишлаб чиқаришда экологик тоза батареялардан фойдаланилади. Маълумот ўрнида шуни айтиш жоизки, айни вақтда молиявий инқироз туфайли жаҳонда ёқилғи тежайдиган ва арзон автомобилларга талаб ошмоқда.

## ОЛМОСНИ КИМ ТОПДИ?

**Лесото қироллиги ҳудудида 478 каратли олмос топилди.**

Хабарларга қараганда, Буюк Британиянинг "Gem Diamonds" компаниясига қарашли кондан топилган ушбу олмос катталиги бўйича дунёда йигирманчи ўринни эгаллаган. Компания ходимларининг сўзларига кўра, у 12 миллион АҚШ долларига баҳоланган.

Маълумотларга қараганда, шунга ўхшаш қимматбаҳо тош – 3106 каратли олмос 1905 йилда ҳозирги Жанубий Африка Республикаси ҳудудида топилган. Буюк Британия империясининг қироллик тожи ана шундай йирик қимматбаҳо тошлар билан безатилган.

**ЎзА.**

## Бекажон

### АСАЛЛИ ПИРОГ

***МАСАЛЛИҚЛАР:** асал – 4 ош қошиқ, шакар – 1 ст., маргарин – 100 гр., сода – 2 чой қошиқ, 3 та тухум, ун – 4-5 ст.*



Асал билан маргарин оловда эритиб олинади. Алоҳида идишда шакар, тухум ва сода аралаштирилади. Сўнг сув буғида қайнатилади. Ушбу массага эритиб олинган асалли маргарин қўшилади ва яна 10 дақиқа қайнатилади. Оловдан олиб, ун қўшилади. Тайёр хамир духовкада қизаргунча пиширилади.

### «ЧИҒАНОҚ»

***МАСАЛЛИҚЛАР:** 3 та тухум сариғи, сметана – 100 мл., сариёғ – 180 г., ун – 2-3 ст., туз – бир чимдим.*

***НАЧИНКАСИГА:** 3 та тухум оқи, шакар – 1 ст., ёнғоқ – 1 ст., майиз – 1 ст.*

Сметана билан тухум сариғи аталаниб, ярим соатга олиб қўйилади. Алоҳида идишда маргарин ва ун бирга уқаланади. Сўнг сметанали аралашмага қўшилиб, хамир қорилади. Хамир ёнғоқдек зувалачаларга бўлиниб, 1 соат музлаткичда тиндирилади. Ҳар бир зувалачани жўва ёрдамида ўртача қалинликда ёйиб, ичига начинка солинади ва тўртга буклаб, чиғаноқ шаклига келтирилади. Олдиндан қиздирилган духовкада ўрта оловда пиширилади. Пишиб чиққач, устига шакар кукуни сепилади.

## Суд залидан

# ЖИНОЯТНИНГ СЎНГГИ МАНЗИЛИ

Ҳаёт – энг олий неъмат. Унинг турли сўқмоқлари, машаққатлари бўлганидек, нурли йўлларининг ажру мукофоти ҳам бор.

Шундай иллатлар борки, уларга айримлар ёшликданоқ ўргана бошлайди. Оқибатда эса, бу балодан қутула олмайди. Хусусан, XXI аср вабосига айланган гиёҳвандлик балоси бугунги кунда дунё аҳлини жиддий ташвишга солаётир. Афсуски, бу иллат мамлакатимизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. У имони заиф, ҳаёт мазмунини турли ҳою-ҳаваслар, кайфу сафода деб билгувчи кишиларни ўз домига тортиб, пировардида ширин умрларига зомин бўлмоқда.

Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг очиқ суд мажлисида икки жиноий иш кўрилди. Айбланувчилар гиёҳвандлик моддаси савдоси билан шуғулланмаганликлари, аксинча, ўзлари истеъмол қилиб юрганликларини очиқ-ойдин тан олиб, айбларига иқрор бўлишди. Эндигина 33 ёшни қоралаган, икки фарзанднинг отаси Шоҳид Нурматов ҳамда Ҳасан Олтоевларни бир мисқолгина оғу шармандали манзил – қора курси сари етаклади.

Ҳеч бир ишнинг бошини тутмаган Шоҳид кун аллавақт бўлиб қолганига қарамай, мириқиб ухлаётганди. Тирикчилик бир нави, тонг саҳарлаб борар жойи йўқ – нима ҳам қилсин. Шу пайт ҳуқуқни муҳофаза қилувчи идоралар ходимлари унинг оромини бузишди. Чунки, ўша кезда шаҳар маҳаллаларида "Қорадори" тадбири олиб борилаётганди.

Ходимлар холислар иштирокида уйни кўздан кечиришди. Улар эътиборини жавондаги оқ полиэтилен қути ичидаги қоғозга битилган "Будьте здоровы Жўрабек" ёзуви тортди. Қоғоз ичидан бир ўрам наша чиқди. Шундан сўнг ошхона ертўласидан бир дона 5 граммли, ҳаммомга яширилган икки дона 2 граммли ишлатилган шприц топилди. Чеккада осиғлиқ турган куртканинг ўнг чўнтагида димедрол қолдиқлари борлиги аниқланди.

Ҳар ҳолда Шоҳид бу ашёвий далиллар ўзига тегишли эканини тан олди. Бир вақтлари ҳақиқатда героин истеъмол қилганини, кейинчалик ундан воз кечиш учун ёввойи наша чекишни бошлаганини айтди. Оғу истеъмоли туфайли жар ёқасига келиб қолган Шоҳид оиласи тинчлигини, фарзандлари келажаги, қолаверса, соғлиғини ўйлаб нафс чангалидан қутулмоқчи бўлди. Лекин бу балодан бутунлай воз кечишга иродаси етмади. Ёввойи нашалардан бир муддат татиб юрди. Ёшликнинг бежилов ҳавасларига учиб, ўзини ўзи жаҳолат исканжасига топшириб қўйди. Қилган жинояти, аввало, ўзига, оиласига қандай маломатлар олиб келишини англаб, ижобий томонга ўзгаришини, оилавий шароитларини инобатга олишларини суд мажлисидан сўради.



Суд жазо тури ва муддатини тайинлашда, унинг айбига тўлиқ иқрор бўлиб, қилмишидан пушаймонлиги ҳамда яшаш жойидан унинг шахси ижобий таснифланишини, у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини инобатга олиб, бир йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

Шу куни шаҳар суди фуқаро Ҳасан Олтоевнинг қилмиши юзасидан ҳам ҳукм чиқарди.

«Тозалаш» тадбири пайтида унинг хонадонидан икки ўрамчалардаги героин гиёҳвандлик моддасини топишди. Бундан ташқари, уй хоналарининг ҳар еридан бир неча дона кукунсимон гиёҳванд модда юқлари ҳамда 22 дона ишлатилган шприц чиқди. Синчковлик билан олиб борилган текшириш чоғида ётоқхонадаги сандиқ ичида опий гиёҳванд моддаси борлиги аниқланди. Барча ашёвий далиллар холислар иштирокида ҳужжатлаштирилиб борилди.

Судга оид кимёвий экспертизанинг хулосасига кўра, бу моддалар "диацетилморфин-героин" моддаси эканлиги, шприцларда эса героин қолдиқлари борлиги аниқланди.

Ҳасан Олтоев барча айбловларга иқрорлигини билдириб, 13 йил сурункасига героин истеъмол қилиб келганлигини тан олди.

Якуний ҳукмга кўра, Ҳасан Олтоев 3 йилга озодликдан маҳрум этилди. Шунингдек, гиёҳвандликдан мажбурий тартибда даволаш чоралари кўрилиши белгиланди.

Лекин, ҳукм қилинган бу икки шахснинг ўрганган кўнгил ўртанмай қўймас қабилидаги қилмишлари кишини ажаблантиради. Шоҳид Нурматов икки йил муқаддам жиноят ишлари бўйича Тошкент шаҳар Миробод тумани судининг ҳукмига кўра, энг кам иш ҳақининг 10 баробари миқдорида жарима билан жазоланганди. Ҳасан Олтоев ҳам дастлаб 1991 йил 2 йилу 6 ой, 1993 йилда 3 йил муддатга озодликдан маҳрум этилганди. Лекин, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 1995 йил 3 майдаги «Амнистия тўғрисида»ги Фармонига асосан жазодан озод қилинганди. Афсуски, у бундан тўғри хулоса чиқармади. 2003 йилнинг январь ойида яна бир "ҳунар" кўрсатди. Ўшанда унга нисбатан 3 йил муддатга ахлоқ тузатиш жазоси тайинланади. Афсуски, бу сафар ҳам тийилмади. Жиноят ишлари бўйича Янгийўл шаҳар судининг 2004 йил 3 августдаги ажримига кўра, ахлоқ тузатиш ишлари 2 йил 1 ой озодликдан маҳрум қилиш жазосига алмаштирилди.

Шундан кейин ҳам одил суд унга имконият берди. Оҳангарон шаҳар суди томонидан инсонпарварлик тамойиллари қўлланилди. Суднинг 2005 йил 10 августдаги ажримига асосан шартли равишда озод этилди.

Нақадар чигал умр. У ҳар сафар озод этилганида янги ҳаёт бошлашга сўз берар, лекин ўзини тийиб ололмасди. Бўлмаса яна уч йил ўтиб-ўтмай, жиноят содир этармиди?!

**Саид ҲАСАНОВ.**


**Республика Кўчмас мулк биржаси 15 ёшда!**

"Республика Кўчмас мулк биржаси" ЁАЖ бошланғич баҳоси ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдосига таклиф этади!

2009 йил 10 март куни соат 11.00 да бўлиб ўтадиган аукцион савдосига Қибрай тумани суд ижрочилари бўлими томонидан қуйидаги автотранспорт воситалари такроран қўйилмоқда.

1. ЖИБ Тошкент вилояти Қибрай туман судининг 25.03.2008 йилдаги 415-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Арғин-савдо" УК омборида сақланаётган, "ГАЗ-6614" русумли, д/р 30К6511 бўлган, 1986 йилда и/ч, автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси – 488 035 сўм.

2. ЖИБ Қибрай туман судининг 21.04.2008 йилдаги 6-857-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Қибрай тумани "Арғин савдо" УК омборида сақланаётган, "ГАЗ-66" русумли, д/р 11U2725 бўлган, 1977 йилда и/ч автотранспорт воситаси. Жорий бошланғич баҳоси - 1 180 980 сўм.

Мазкур автотранспорт воситалари билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин. Аукцион савдосида иштирок этиш учун талабгорлардан аризаларни қабул қилиш аукцион савдосига бир кун қолганда тўхтатилади.

Ушбу савдоларда қатнашиш учун талабгорлар "Савдо ташкилотчиси" билан тузиладиган закалат келишувга асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдорда закалат пулини, ҳар бир мулк учун алоҳида тартибда, тўлов ҳужжатида ижро ҳужжати рақами ва санасини кўрсатган ҳолда "Савдо ташкилотчиси" РКМБнинг АТИБ "Ипотекабанк"нинг С. Раҳимов ф-даги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: МФО 00901, ИНН 200933850, 20210000500571452105. Манзил: Тошкент ш., С. Раҳимов т., М. Ўразбоев кўчаси, 1-А уй. Тел.: 228-79-52. www.rkmb.uz

**Утерянный паспорт выданный на имя Саидаҳмедова Саидолима Саидмурадовича, выданный Учтепинским РОВД, нашедщего просим вернуть за вознаграждение. Тел.: 128-04-64.**

Бўстонлиқ туманидаги 2-мактаб томонидан 2008 йилда Таджибаева Шоира Фуркатовна номига берилган O'R-SH № 0913785 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли **БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**


## Рассом ҳандаси




Ҳусан СОДИҚОВ чизган расм.

### ЖАННАТ

*– Жаннатда юрганингни биласанми ўзи, ука? – сўради бошлиқ ишдан бўшашга ариза кўтариб кирган ходимидан.*

*– Йўқ хўжайин, ҳатто, қачон ўлганимни ҳам билмайман, – жавоб берди ходим.*

### ОПЕРАЦИЯ

*Шифокор ҳамкасбига:*

*– Менинг беморим операциядан чиқмади, ҳаётдан кетди, – деди.*

*– Вой! Энди нима қиласиз?*

*– Хотиржам бўлаверинг, ҳақимни операциядан олдин олиб қўйганман.*

### БЕЧОРАЛАР

*– Дада, қандай қилиб сигарет чекишга ўрганиб қолишади?*

*– Жуда осонлик билан, "Қани, бир чекиб кўрайчи, қанақа бўларкин?" деб.*

*– Энди у бечоралар қандай қилиб бу балодан қутулишади?*

*– Мана буниси жуда мушкул иш, ташлашга ҳамманинг ҳам иродаси етавермайди.*

*– Тўғри айтдингиз дада, билар экансиз, – деди бола бир оз ўксиниб.*

**Толиб ҚАНОАТ.**


ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА
Муассис: ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ

Бош муҳаррир Убайдулла АБДУШОҲИДОВ

Телефонлар: Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 236-55-54. Эълонлар: 236-55-03, 236-53-54.

Манзилимиз: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Тошкент вилояти Матбуот ва ахборот бошқармасида 03-001 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-140. Адади 11492. Ҳажми – 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. ISSN 2010-9318. Саҳифаловчи: Тоҳир МАҲМУДХЎЖАЕВ.

(Т) белгили материаллар – тижорат материаллари. "Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи – 205. Босишга топшириш вақти – 20.00. Босишга топширилди – 20.20. 2 5 6 7 8